

---

“Зиё Нурсух” маҳалласининг қарийб бир километр ички йўллари текис ва равон бўлмоқда

Ўзбекистон туманида маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш орқали аҳолига қулайлик яратишга қаратилган тадбирлар давом этмоқда.

Шу мақсадда туманнинг “Зиё Нурсух” маҳалласи Чилон кўчасидаги ички йўлларнинг 940 метрдан зиёд қисми манзилли дастур доирасида таъмирланиб, асфальт қопламаси ётқизиляпти.

Айни кунларда туман йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси йўлсозлари томонидан ҳудудда амалга оширилаётган ушбу ободлик тадбирлари натижасида маҳалла аҳлининг кўп йиллик муаммолари ижобий ҳал этилмоқда.

2024-09-09 10:01:07